



THE ESSENCE AND NATURE OF ANTI-CORRUPTION MECHANISMS AS A SOCIO-LEGAL PHENOMENON

Jahongir Muratov

Master's student of the Law Enforcement Academy

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: corruption, legal mechanism, electric power industry, state supervision, transparency, internal control, corruption risks, anti-corruption expertise, public oversight, compliance.

Received: 03.04.26

Accepted: 04.04.26

Published: 05.04.26

Abstract: This article analyzes the essence and nature of anti-corruption mechanisms as a socio-legal phenomenon, specifically focusing on the electric power sector. The author explores the negative impact of corruption on economic growth, the investment climate, and public trust in state institutions. The study classifies four primary types of anti-corruption mechanisms (legal, organizational, technological, and informational) and underscores the vital role of the internal control (compliance) system. Particular attention is given to corruption risks within the power industry and their consequences for system reliability and consumer rights. The article concludes with recommendations for addressing legislative gaps and enhancing transparency in administrative decision-making.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ХУКУҚИЙ ҲОДИСА СИФАТИДАГИ МОҲИЯТИ ВА ТАБИАТИ

Жаҳонгир Муратов

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси тингловчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: коррупция, ҳуқуқий механизм, электроэнергетика, давлат назорати, шаффофлик, ички назорат, коррупция хатарлари, антикоррупциявий экспертиза, жамоатчилик назорати.

Аннотация: Ушбу мақолада коррупцияга қарши курашиш механизмларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги моҳияти ва табиати электроэнергетика соҳаси мисолида таҳлил қилинади. Муаллиф коррупциянинг иқтисодий ўсиш, инвестиция муҳити ва давлат институтларига бўлган ишончга салбий таъсирини очиқ беради. Тадқиқотда коррупцияга қарши курашиш

механизмларининг тўртта асосий тури (ҳуқуқий, ташкилий, технологик ва ахборот) таснифланган ҳамда ички назорат (комплаенс) институтининг аҳамияти асослаб берилган. Электроэнергетика соҳасидаги коррупцион хавф-хатарларнинг тизим ишончилиги ва истеъмолчилар ҳуқуқларига таъсири алоҳида кўриб чиқилади. Яқунда қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ва бошқарув қарорлари қабул қилишда шаффофликни ошириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

СУЩНОСТЬ И ПРИРОДА МЕХАНИЗМОВ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ КАК СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВОГО ЯВЛЕНИЯ

Жаҳонгир Муратов

*Слушатель магистратуры Академии правоохранительных органов
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: коррупция, правовой механизм, электроэнергетика, государственный контроль, прозрачность, внутренний контроль, коррупционные риски, антикоррупционная экспертиза, общественный контроль.

Аннотация: В данной статье анализируются сущность и природа механизмов противодействия коррупции как социально-правового явления на примере сферы электроэнергетики. Автор раскрывает негативное влияние коррупции на экономический рост, инвестиционный климат и доверие к государственным институтам. В исследовании классифицированы четыре основных типа антикоррупционных механизмов (правовые, организационные, технологические и информационные), а также обоснована роль института внутреннего контроля (комплаенс). Особое внимание уделено коррупционным рискам в электроэнергетике и их воздействию на надежность системы и права потребителей. В заключении выдвигаются предложения по устранению пробелов в законодательстве и повышению прозрачности принятия управленческих решений.

Давлат томонидан қабул қилинаётган ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларга қарамасдан, коррупция ҳаёт ва бошқарувнинг кўплаб соҳаларини қамраб олувчи жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. У иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир қилади, давлат институтларига бўлган ишончни сусайтиради, адолатни бузади ва ресурсларнинг ноқонуний тақсимланишига олиб келади. Коррупцияга қарши курашиш глобал аҳамиятга эга ва жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Коррупция иқтисодий ўсишга, инвестицияларга, бизнес ва жамиятнинг ишончига салбий таъсир кўрсатади. У рақобатнинг ривожланишига, инновацияларга ва ресурсларнинг самарали ишлатилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тадқиқотлар унинг салбий оқибатларини баҳолаш ва уларни бартараф этиш стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Ҳар бир мамлакатнинг коррупцияга қарши курашда ўзига хос йўналишлари ва муаммолари мавжуд. Миллий миқёсдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича тадқиқотлар муайян мамлакатдаги ўзига хос муаммоларни яхшироқ тушуниш ва уларни ҳал этиш учун мослашган стратегиялар ҳамда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради. Бундай тадқиқотлар самарали давлат сиёсати, қонунлари ва амалиётларини қабул қилишга кўмаклашади.

Электроэнергетика ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Бу соҳадаги коррупция ресурсларнинг ноқонуний тақсимланишига, инвестиция фаоллигининг пастлигига ва энергиядан фойдаланиш самарадорлигининг камайишига олиб келиши мумкин. Коррупцияга қарши курашиш электроэнергетика тизимининг самарали ва адолатли фаолият юритишини таъминлаш ва иқтисодий ўсиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Электроэнергетикадаги коррупция ноқонуний хатти-ҳаракатларга, мансаб ваколатларидан суистеъмол қилишга ва бошқа ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкин. Бу хизматлар сифатига, энергетика тизимининг ишончлилигига ва истеъмолчиларнинг қониқишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Коррупцияга қарши курашиш кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Электроэнергетика соҳасида давлат назоратини амалга оширишдаги коррупция хатарлари энергетика корхоналари техник ҳолати ва энергетик ускуналарни эксплуатация қилишдаги қўпол қоидабузарликларни аниқламаслик, шунингдек уларни бартараф этмасликка олиб келиши мумкин. Оқибатда бу ҳолат мамлакат электроэнергетика мажмуасининг ишончлилигини пасайишига, электр станциялари ва электр тармоқларида аварийлик ҳолатларининг ортишига, истеъмолчиларнинг электр энергиясидан маҳрум бўлишига, куз-қиш мавсумида аҳоли пунктларини ҳаётий таъминот объектларининг тўхташига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келади.

Энергетика соҳасида коррупцияга қарши курашишга қаратилган механизмлар – бу соҳада шаффофликни таъминлашга, уни коррупциядан холи соҳага айлантиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, технологик воситалар мажмуи ҳисобланади. Бунда “механизм” моҳиятан техника соҳасига оид атама ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луҳатига кўра, у “қурол” маъносини англатиб, бир турдаги оддий заррачаларнинг ҳаракатини назарда тутаяди. Аммо,

биз таҳлил қилаётган масала шахс ҳуқуқларини чеклашнинг ҳуқуқий механизмини назарда тутди. Ҳуқуқий механизм тушунчаси эса “муайян воситалар тизими”, “белгиланган вазифага эришишга йўналтирилган норматив мутаҳкамланган воситалар мажмуи”, “мақсадга эришиш учун белгиланган ташкилий ҳуқуқий воситалар”, “муайян кўринишдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган ва ўзаро кетма кетликда ишлайдиган махсус ҳуқуқий воситалар” каби маъноларда ҳуқуқда кенг қўлланилади. Ушбу механизмнинг элементлари сифатида ҳуқуқ нормаларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ҳуқуқ қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шундан далолат берадики, бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш механизмларини тўрт турга бўлиш мумкин:

- ҳуқуқий;
- ташкилий;
- технологик;
- ахборот механизмлари.

Бироқ, уларнинг уларни боғлаб турувчи асосий элемент ички назорат институти бўлиб, усиз ушбу механизмларнинг самарадорлигини ўрганиб бўлмайди. Уларни алоҳида кўриб чиқадиган бўлсак, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми — бу ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қоидаларини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар мажмуи бўлиб, улар айнан ўзларининг коррупцияга қарши ўзаро таъсири натижасида янги хусусиятларга эга бўлади.

Соҳада коррупциянинг ажратиб кўрсатилган асосий омиллардан бири тармок қонунчилигининг номукамаллигидир. Қонунчиликнинг номукамаллиги — давлат тартибга солишининг аниқ механизмлари йўқлиги, ортиқча талаблар, давлат органлари томонидан қарор қабул қилишнинг шаффоф эмаслиги давлат органлари томонидан коррупцион кўринишларга олиб келади. Бундан ташқари, давлат ва корпоратив бошқарувда шаффофлик даражасининг пастлиги ҳам алоҳида таъкидланади.

Бошқарув қарорларини қабул қилишда очиқликнинг йўқлиги, шунингдек айниқса фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига тегишли жараёнларнинг яширинлиги коррупцион ҳаракатлар учун қулай шарт-шароитлар яратади. Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни ҳануз энг яширин жараёнлардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда энергетика соҳасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган қуйидаги механизмларни кўрсатиб ўтиш мумкин: давлат харидларини мониторинг қилиш, коррупция хатарларини таҳлил қилиш, мансабдор шахсларларнинг жавобгарлигини кучайтириш, жамоатчилик назорати, НХХ антикоррупциявий экспертизаси, антикоррупциявий маданиятни шакллантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изохли луғати. А.Матвалиев таҳрири остида. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. <https://n.ziyouz.com>
2. Гончаров, В. В., Пефтиев, И. И. О некоторых вопросах конституционно-правового механизма реализации гражданами Российской Федерации права на альтернативную гражданскую службу // Юридический мир. – 2010. – № 7. – С. 45–49.
3. Матвеева, Е. В. Правовой механизм реализации экологических прав граждан в России и Германии: вопросы терминологии // Экологическое право. – 2010. – № 2. – С. 22–27.
4. Учебное пособие по курсу "Правоведение". Электронное хранилище учебных материалов
5. http://edu.tltsu.ru/er/book_view.php?book_id=1fe6&page_id=26013
6. Skachkova A.E. Mekhanizm pravovogo regulirovaniya kak teoretiko-pravovoy aspekt i vektor nauchnogo issledovaniya // Russian Journal of Legal Studies (Moscow). - 2017. - Vol. 4. - N. 2. - P. 35-42. doi: 10.17816/RJLS18303.